

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЧОРИЕВ РУЗИМУРАТ КУНГРАТОВИЧ

**КАСБ ТАЪЛИМИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ДУАЛ ТИЗИМИ АСОСИДА
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Техника олий таълим муассасаларида “Касб таълими” йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Чориев Рузимурат Кунгратович

Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш..... 3

Чориев Рузимурат Кунгратович

Совершенствование методики подготовки к профессиональной деятельности специалистов профессионального образования на основе дуальной системы..... 31

Choriev Ruzimurat Kungratovich

Improvement of the methodology for preparing vocational education specialists for professional activity on the basis of a dual system..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЧОРИЕВ РУЗИМУРАТ КУНГРАТОВИЧ

**КАСБ ТАЪЛИМИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ДУАЛ ТИЗИМИ АСОСИДА
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Техника олий таълим муассасаларида “Касб таълими” йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Ped166 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

• **Исмаилова Зухра Карабаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Махмудов Абдуҳалим Ҳамидович
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "5" 12 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин 29 рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2020 йил "21" 11 кун тарқатилди.
(2020 йил "21" 11 даги 22 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Ш.Э.Курбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

[Handwritten signature]

К.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидagi илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон цивилизациясининг ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли жараёнлар ҳамда тенденциялар билан тавсифланади. Илм-фан, техника ва технологиялардаги ютуқлар инсонларнинг ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш учун хизмат қилади, шу билан бирга ижтимоий, иқтисодий, маданий, моддий-техника ва ҳаётий фаолияти учун бошқа шарт-шароитларни яратиши билан бирга шахсий эҳтиёжлари ва манфаатларини рўёбга чиқаради. Мобил алоқа, шахсий компьютерлар, шахсий техникалар ва барча турдаги хизмат кўрсатиш ускуналари, замонавий ахборот-коммуникация тамоқлараро инсониятнинг илмий ва технологик тараққиётга асосланган бўлиб, бугунги кунда техник ўзгаришлар маконида сунъий яшаш муҳити табиий муҳитга қараганда анча самарали бўлиб бормоқда.

Европа мамлакатларига хос глобал таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидаги “Megatendence” шуни кўрсатадики, таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, мустақил таълим олиш ва ижодий ривожланишга йўналтириш, профессионал таълимни фаол ривожлантиришда назария ва амалиёт ўртасидаги интеграцияни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра умумқасбий ва ихтисослик фанлари билан ишлаб чиқариш тузилмаларининг узвий алоқадорлигини чуқурлаштириш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, касб таълими назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда инновацион қасбий салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълимнинг интегратив ташкилий функциясини янада кенгайтириш, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва қасбий сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутаяди. Бу эса дуал таълим тизими асосида касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш корхоналари ходимларини узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда қасбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностик усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва таълим интеграциясининг ахборий дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълим- тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини дуал тизими асосида шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш”¹ ва “зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”²

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766)-70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://uz24.uz>

каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда таълим олувчиларда яхлит ва тизимли интегратив билим, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи - назардан касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини касбий фаолиятга тайёргарлик ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари ва ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

2020 йил 24 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари, 2019 йил 10 июндаги ПҚ-4356-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Профессионал таълим тизимида ўқитишнинг дуал тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Бўлажак мутахассисларни дуал таълим тизимида касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш билан боғлиқ изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts University (АҚШ), Belfield Pedagogical University (Германия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Seoul Cyber University (Жанубий Корея), Центр педагогических технологий (Россия) ва Республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг дидактик воситаларини қўллаш муаммоси бўйича олиб борилган

тадқиқотлар натижасида қатор қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан ўқитишнинг анъанавий ва замонавий дидактик воситалари асосида талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришнинг интегратив технологияси ишлаб чиқилган (Chicago university, Америка); идрок қилишнинг визуал ва аудио воситалари орқали таълим оловчиларнинг касбий шаклланишига мақсадли комплекс таъсир кўрсатиш методикаси ишлаб чиқилган (Institute named after Frica Bauer, Германия); ўқитишнинг замонавий технологиялари (тьюторлик тизими, ихтисослаштирилган таълим, модулли ўқитиш, бригада-индивидуал ўқитиш, ўзаро ўқитиш ёки ўзаро маслаҳат) асосида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш тизими яратилган (National Advice on pedagogical technology, Англия); мобил электрон қурилмалар базасида электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University, Жанубий Корея); бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаштириш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга оид таълимнинг янги технологиялари ишлаб чиқилган (Педагогик технологиялар маркази, Россия); касб таълими ўқитувчиларини масофадан ўқитишда ахборот таълим муҳитини яратишнинг назарий-методик ва ташкилий-педагогик асослари ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳамлаш асосида такомиллаштирилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон).

Англия, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда касбий тайёрлаш тизимини модернизациялаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Уларда қўлланилаётган замонавий ўқитиш технологиялар (ўқитишнинг тьюторлик тизими, ўқитишни ихтисослаштириш, бригада-индивидуал таълим, ўзаро ўқитиш ёки ўзаро маслаҳат) касб таълими мутахассисларини интеллектуал ва психоэмоционал ривожланишини, ижодий ўсиши ҳар томонлама индивидуал ривожланишини таъминламоқда. “Очиқ таълим” имкониятларидан ижодкор, “командада ишлаш” қобилиятига эга, маънавий ва глобал аспектларда фаол шахсни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Европанинг кўплаб мамлакатларида касб таълими дастурлари индивидуаллаштирилмоқда ва мутахассислар ана шулар асосида касбий фаолиятга тайёрланмоқда (Англия, Германия, Франция).

Бугунги кунда жаҳонда таълимнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги йўналишларда устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича концептуал лойиҳалаштиришга асосланган янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаси тузилмаси блоклари мазмунини такомиллаштириш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш; ўқитишнинг компьютер воситаларини яратиш назарияси ва технологиясини янги илмий-педагогик ёндашувлар асосида такомиллаштириш; замонавий ўқитиш воситаларининг таълим жараёни сифатига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш; ўқитишнинг

замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланишнинг дастурий-методик таъминотини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб таълими жараёнида фанлараро боғланиш, интеграциянинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, касб таълими мутахассисларини дуал тизим асосида касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари, ҳамда ишлаб чиқариш ходимларининг касбий фаолиятини назорат қилишнинг назарий, концептуал ва технологик асослари Р.Х.Джураев³, А.Р.Ходжабаев, У.И.Иноят, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Э.О.Турдикулов, М.Б.Ўрзаева, Ж.А.Ҳамидов, М.Тошов, О.А.Абдуқуддусов, М.Жуманиёзова, Р.А.Мавлонова ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

Касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик, концептуал ва технологик асослари бўйича МДХ мамлакатлари олимларидан Е.А.Михалычев, О.А.Абдулина⁴, С.Я.Батышев, В.С.Безрукова, А.П.Беляева, М.Н.Берулова, Э.Ф.Зеер, Ю.М.Измайлова, П.Ф.Кубрушко, В.П.Косырев, Н.В.Кузьмина, В.С.Леднев, О.Д.Листунов, В.А.Сластенин, В.Т.Сопегина, Н.К.Чапаев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

³Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс...док.пед.наук.– Т.:1995.- 43 с; Ходжабаев А.Р. Учебно-методический комплекс подготовки учителей трудового обучения.Метод. реком.– Т.:УзНИИПИ,1989. -93 с.; Иноят У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. ... докт. пед. наук. - Ташкент, 2003. – 327 с.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс... пед. ф. д. - Т.:2007. – 315 б.; Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. докт. – Тошкент: 2005. – 286 б.; Турдикулов Э.О., Джураев Р.Х. ва бошқалар. Интеграциялашган таълим назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Сано-стандарт, 2009. - 176 б.; Ўрзаева М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳала фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. пед. фан.докт. дисс.... автореф. – Тошкент: 2015.; Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2017.; Тошов М.Ж. Педагогика коллежлари таълими жараёнида педагогик интеграциянинг мазмуни ва тузилмасини таъминлаш. Дисс. ... пед. фан.номз. - Тошкент, 2012. – 139 б.; Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлашга интегратив ёндашув. – Т.: Фан, 2005, - 157 б.; Жуманиёзова М. Физика ўқитишда интеграллашган билимлар ва улардан фойдаланишнинг услубий асослари (физика ва астрономия ўқув материаллари асосида): Пед.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. -18 б. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. – Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2005. -109 б.

⁴Абдуллина О.Л. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования: для пед. специальностей высших учебных заведений. – 2-изд., перераб. идоп. – М.: Просвещение, 1990. – 141 с.; Батышев, С.Я. Подготовка инженеров-педагогов–проблема комплексная / С.Я.Батышев // Профессионально-техническое образование. 1996. - №3. –С.52-53.; Безрукова В.С. Интеграционные процессы в педагогической теории и практике. - Екатеринбург, 1994. – 152 с.; Беляева, А.П. Интегративная теория и практика многоуровневого непрерывного профессионального образования / А.П.Беляева. – СП б: Интпрофтехобразования РАО, 2002. – 240 с.; Берулова М.Н. Интеграция общего и профессионального образования. // Советская педагогика. 1990. -№9- С.57-60.; Зеер, Э.Ф. Психология профессионального образования / Э. Ф. Зеер. –М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЕК», 2003. – 480 с.; Измайлова Ю.М. Интеграция теоретических и практических психолого-педагогических знаний как средство совершенствования профессиональной подготовки будущих инженеров-педагогов: Дис. канд. пед. наук / Ю.М. Измайлова. - Саратов, 2006.- 173с.; Кубрушко П.Ф. Содержание профессионально-педагогического образования / П.Ф.Кубрушко. – М.: Высш. шк., 2001. – 236 с.; Косырев В. П. Методическая подготовка инженеров-педагогов / В.П.Косырев. – М.: МГАУим. В.П.Горячкина, 2003. – 144 с.; Кузьмина Н. В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения / Н.В.Кузьмина. – М.: Высшая школа, 1990. – 117 с.; Леднев, В.С. Содержание образования / В.С. Леднев.–М.: Высшая школа, 1999. – 360 с.; Михайлычев, Е.А. Теоретические основы педагогической диагностики: Автореф. Дисс..... автореферат пед. наук / Е.А. Михайлычев. - Бухара, 1991. – 401с.; Сластенин В.А. Педагогика: учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. - М.: 2000. – 512 с.; Сопегина В.Т. Интеграция педагогических и специальных дисциплин при подготовке мастеров производственного обучения. Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. - Екатеринбург, 2012. – 26 с.; Чапаев Н.К. Теоретико-методологические основы педагогической интеграции: Автореф. Дис. ... докт. пед. наук. / Н.К.Чапаев - Екатеринбург, 1998.

Хорижий мамлакатларда Г.Спенсер⁵, В.Ф.Скиннер, А.Блум, Ж.Гилберт, Ж.Фернандес-Балвоа, С.Мерриам, С.Уилсон, Р.М.Гейн, Д.Е.Берлен, С.Джонс, Р.Блэк каби олимларнинг тадқиқотларида таълимда интеграцион жараёнлар, фанлараро интеграция ва интегратив таълим натижаларини диагностика қилиш масалалари илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берилган.

Олий таълим муассасаларида касб таълими жараёнида фанлараро боғланиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, ривожлантириш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, касб таълими ўқитувчиларини дуал таълим тизими асосида касбий, педагогик ва ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаш муаммолари, касбий тайёргарликнинг педагогик диагностикаси назарий, концептуал ва технологик асослари муайян даража ўрганилган бўлса-да, касб таълими мутахассисларини тайёрлашда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятлари, интегратив ёндашув асосида ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти ҳамда илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш зарурати тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Суғориш сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси ва Жиззах политехника институтининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– касб таълимида замонавий педагогик феномен, унинг методологик хусусиятлари, шунингдек мавжуд муаммоларни ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

⁵Спенсер Г. Основания психологии. - М.: ООО «Издательство АСТ-ЛТД», 1998.- С.560.; Skinner B.F. The technology of Teaching. - New York, Appleton. Century Grofts, 1968.; Gilbert J. (2004). The model for the development of teachers' (p. 258-278). New York: Routledge Falmer.; Fernandez-Balvoa J., Stiehl J. (1995). The general nature of the pedagogical content knowledge among college professors. Education and teacher education, 11 (3), 293-306.; Merriam S. (1998). Qualitative research and case study applications in education (2 - ed.). San - Francisco, CA: Jossey-Bass.; Wilson, SM, Shulman, LS, & Richert, AE (1987). '150' different ways of knowing: Knowledge representation in the learning process. In J. Calderhead (Ed.). Studying thinking teachers (pp. 104-124). London: Cassell.; Blum A. The development of an Integred Science Curriculum. Information Scheme Fur. // Science Education 1981, vol. 3, - p. 1-15.; Gagne R.M. The condition of learning / Yolt, Rinehart and Winston – New-York, 1965.; Berlen D.E., Jones S. The integration of science the maths: Early childhood and middle school levels. // School science and maths. – 1987, vol.87, w 4, p.271-273.;

– дуал таълим тизимининг моҳиятини методологик категория сифатида ўрганиш ва унинг касбий - педагогика ва касбий таълимда қўлланилишининг ўзига хослигини аниқлаш;

– олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини куришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва асослаш;

– олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқаришда касбий таълим дуал тизимининг концептуал моделини яратиш, олий таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигида касбий таълим дуал тизимини амалга оширишнинг дидактик шартларини аниқлаш;

– таълимда бўлажак касб таълими мутахассислари ва ишлаб чиқаришда ходимларни дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ахборий-дидактик таъминотини асосида таълим методикасини ишлаб чиқиш;

– олий таълим, касбий (профессional) таълим ва ишлаб чиқариш тизимлари интеграцияси асосида тадқиқотнинг асосий назарий ва амалий қоидаларини амалга ошириш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида ва ишлаб чиқаришда дуал таълим тизими асосида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида ва ишлаб чиқариш корхоналарида дуал тизими асосида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъерий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизимида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборий-дидактик таъминоти таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантиришдаги методологик ёндашувлар (аксиологик, онтологик, технологик) паритетлик ҳамда вариативлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган;

– касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий - функционал компонентлари (мазмунли, технологик, ташхислаш) мазмуни мотивацион - мақсадли, методологик ёндашувлар (мотивацион, когнитив, рефлексив) асосида ишлаб чиқилган;

– таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида касб таълими мутахассисларининг яратувчанлик, бошқарувчанлик, таққотчилик, конструкторлик, педагогик каби билим, малака, кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришда касб таълими мутахассисларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикаси

(“Self - development”, “Natural - reflexive”, “Vitagen”) таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган;

– касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурий-муҳандислик (Visual C++ да дастурлаш) ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни автоматлаштириш, визуаллаштиришда (Visualization and avtomatization) лойиҳавий-конструкторлик, тадқиқотчилик касбий компетенцияларини шакллантириш методикаси технократик ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

– олий таълимнинг касб таълими йўналишлари битирувчилари ҳамда ишлаб чиқариш ходимларини касбий маҳорат даражаларини ташхислашнинг аналитик, лойиҳалаш, конструкторлик ва прогностик компонентлари функциялари интегратив мувофиқлаштириш асосида касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмунан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган дастурий маҳсулот Visual C++ дастурлаш тилида (“Жаҳон таълим тизими” ўқув қўлланма электрон дастури) яратилган (Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси);

касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича “Дуал таълим тизими асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш” номли монография ва “Касбий таълим методикаси” ҳамда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича методик қўлланмалар каби ташкилий-дидактик таъминот ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича “Олий таълим ва ишлаб чиқаришда дуал таълим тизимидан фойдаланиш методикаси” ва ишлаб чиқариш корхоналарида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанидан олий таълим муассасаси билан интеграциялаш орқали дуал тизим асосида модулли ўқитиш технологияларини қўллашга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади: дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-функционал компонентлари мазмуни мотивацион-мақсадли, методологик ёндашувлар асосида “Дуал тизимида касбий тайёргарликни такомиллаштириш модели”нинг такомиллаштирилганлиги; касб таълими мутахассисларини дуал таълим

тизимида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборий-дидактик таъминоти таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантиришдаги методологик ёндашувлар (аксиологик, онтологик, технологик) паритетлик ҳамда вариативлик тамойилларига асосланган “Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш” махсус курс дастурини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-функционал компонентлари мазмуни мотивацион-мақсадли, методологик ёндашувлар асосида ишлаб чиқилганлиги; касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича “Дуал таълим тизими асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш” номли монография, “Касбий таълим методикаси” ҳамда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича методик қўлланмалар тайёрланганлиги; олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган дастурий маҳсулот Visual C++ дастурлаш тилида “Жаҳон таълим тизими” номли ўқув қўлланма электрон дастури яратилганлиги; олий таълим муассасалари томонидан дуал тизими асосида олий таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциясини таъминлаш мақсадида “Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини қуриш” услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган технология, модел, яратилган дастурий маҳсулот, яъни ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли - фаолиятли ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, дуал тизими асосида олий таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциясини таъминлаш, мутахассисларни касбий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касб таълимини ривожлантиришда, олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора - тадбирлар дастурларини тайёрлашда, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, касб таълимида дуал таълим тизимига асосланган таълим машғулотларни ташкил этишда, талабаларни олий ўқув юртида ва битирганидан кейин ишлаб чиқариш корхоналаридаги касбий фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида: таълим жараёни компонентлари узвийлиги асосида касб таълими мутахассисларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий ўқитиш воситаларининг (ўқув материални

дифференциал тақдим этиш; ўқув материални таълим олувчилар тайёргарлиги даражасига қараб тақдим этиш; баҳолаш, бошқариш, турли шаклда назорат қилиш; интерфаол мулоқотни амалга ошириш) дидактик имкониятларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги № 135-сон буйруғи билан тасдиқланган 5111000 - Касб таълими (5430100 - Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда ҳамда умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича ўқув дидактик таъминотни яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2150-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот касб таълими мутахассисларининг касбий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

–Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 ноябрдаги №175-сон буйруғи асосида такомиллаштирилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар ҳамда замонавий ўқув адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш мақсадида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифат ва самарадорлигини оширишни таъминловчи ўқитишнинг дуал тизимининг ташкилий-функционал тузилмаси компонентлари, умумкасбий ва методик интегратив билимлар (тизимлаштирилган маълумотлар, лаборатория ишланмалари ва умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар) асосида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш модели, касб таълими йўналишида ва ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этилиб тажриба-синовдан ўтказилган ҳамда натижада тажриба-синов гуруҳларида ўқув материални ўзлаштириш коэффициенти ортган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2150-сон маълумотномаси). Мазкур модел касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилган;

– касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизимида касбий фаолиятга тайёрлашга қўйилаётган замонавий дидактик ва методик талабларни амалга оширувчи, умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича ўқув материалларини ҳавола этиш шакллари асос этирувчи ҳамда олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи яхлит тизим сифатида ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этиш варианты талабалар ва ишлаб чиқариш корхонаси ходимларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнини ташхислаш мезонлари ва кўрсаткичлари, дуал тизими асосида касб таълими мутахассисларини тайёрлаш технологияси компонентларидан республикада олий таълим муассасаларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2150-сонли маълумотномаси). Мазкур умумкасбий ва ихтисослик фанларидан яратилган электрон дастур, методик қўлланмалар, интеллектуал ва интегратив топшириқлар олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида педагогик жараёни илмий асосда ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришда кадрлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 тадан ортиқ илмий-услубий иш, жумладан, 2 та монография ва 2 та услубий кўрсатма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 40 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 271 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Муҳандис-педагогик касбий таълим: феноменология ва методология”** деб номланган биринчи бобида касбий таълимнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тамойиллари, узлуксиз касбий таълим тизимини яратишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, касбий таълимнинг методологияси: концептуал ёндашувлар, тамойиллар, асосий тушунчалар мазмун-моҳиятининг назарий-методологик асослари ёритилган.

Замонавий ахборот муҳитида техника ва технологияларни жадал суръатда ривожланиб, янгича тус олиб бораётган ва жамият тараққиётидаги ўзгаришларга хос таълим эҳтиёжларини қониқтиришга қодир, кенг ихтисосликка эга мутахассисларни тайёрлаш зарурати талаб қилаётгани боис муҳандислик-педагогик таълимида бўлғуси педагогларни бир эмас, бир нечта турдош касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлаш талаб этилмоқда. Бунга, ўз навбатида, “Касбий таълим” ихтисослигининг касбий таълим дастурлари энг оммавий бўлган касблар ва ихтисосликлар гуруҳига йўналтириш орқали эришилади. Бу эса ўз навбатида моҳиятига кўра, касбий-педагогик таълим муайян касб-хунар бўйича фаолият юритиш, кенг кўламдаги касбий-педагогик вазифаларни бажариш ҳамда касбий фаолиятда ўзини намоён қилишга тайёрлашни самарали тарзда амалга оширишга қодир шахсни шакллантириш жараёнини ўз ичига олади. Улар бевосита касбий-педагогик вазифаларни реал ҳолатда бажариши, моҳиятини англаган ҳолда фикр юритишлари ва уларга

амал қилишлари натижасида фаолиятларини олиб боришга тайёр мутахассис ҳисобланади.

Тадқиқот ишида бундай фаолиятни “феномен”, “педагогик феномен” “дуаллик” тушунчалари билан боғланган ҳолда ишлатилиб келинганлиги, уларнинг луғавий маъноси, мутахассислар тайёрлашда таълим ва ишлаб чиқариш алоқадорлигини методологик асоси эканлиги каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шулардан келиб чиқиб, биз касбий таълимнинг феноменологик таҳлилига кўра қуйидагиларни айта оламиз: мазкур таълим, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалар ҳолати ва ривожланишига иккиёқлама таъсирини ўтказди, аввал-касбий ўқув муассасалари учун педагогларни тайёрлаш сифати орқали, сўнгра улар томонидан тайёрланган битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ўз фаолиятларида кўрсата олиш орқали. Узлуксизлик омилини касбий таълим нуқтаи назаридан ўрганишда мазкур ёндашувнинг тарафдорлари инсоннинг узлуксиз таълим маконида эҳтимолли ҳаракатланишининг учта йўналишини алоҳида келтириб ўтади. Улар: 1. Касбий таълим савиясини ўзгартирмаган ҳолда касбий малака ва касбий маҳоратни такомиллаштириш касбий таълимнинг босқичлари ва даражалари бўйича; 2. Юқорига аста-секин кўтарилиш, шахснинг эҳтиёжлари ва имкониятларини, шу билан бирга жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари; 3. Ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишини ўзгартириш билан боғлиқ касбий малакани такомиллаштиришдан иборат.

Касбий таълимнинг асосий мақсади юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош, билимдон, масъулиятли, ўз касбини яхши биладиган ва ўзаро боғлиқ соҳаларда фаолият юритишга қодир, ўз ихтисослиги бўйича жаҳон стандарт талаблари даражасида самарали ишлай оладиган, доимий касбий ўсиш, ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлик қобилятига эга тегишли савия ва ихтисосликдаги ишчиларни тайёрлаш, шунингдек тегишли таълим олишда шахс эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгилиниши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса бўлажак мутахассисларни мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндашишга ўргатиш, шу билан бирга назария ва амалиёт бирлиги асосида ишлаб чиқариш жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишларидаги фаолликни заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда фаол, изланувчан, интеллектуал, бошқарувчанлик қобилятига эга, касбий маданиятли, рақобатбардош, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Малакали кадрлар тайёрлаш, мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл, метод ва воситалари, таълим технологиялари, муаммоли вазиятли топшириқлар, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутади.

Бўлажак касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш бевосита компетентлик ва компетенция тушунчаларини моҳиятини идрок этиш, уларнинг қайси бири асосий (универсал) ҳисобланиши, уларнинг шаклланиш ва баҳолаш усуллари қандай эканлигини англаш жараёнлари, компетентликнинг мутахассисга бериладиган тавсифи, яъни унинг самарали касбий фаолият юритишига хос компетентлик кўникмаларига эга бўлишни талаб этади.

Диссертацияда методологик ёндашувлар ва компетентликка хос тушунчалар касбий таълимнинг ўзига хос тармоғи бўлган муҳандислик-педагогик таълимни мақсадли равишда ривожлантириш ва мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш, уларни қўллаш ўзини ўзи ташкил қилиш ва ўзини ўзи бошқариш асосида таълимнинг тизимлилиги, яхлитлигини таъминлаш, таълим тизимларининг барча босқичлари (бутун таълим соҳаси, унинг ҳудудий таркибий тузилмаси, муайян ўқув юрти, ўқув гуруҳи), каби шахсий босқич (таълим оловчи, педагог)да ўзини ўзи ташкил қилиш ва ўзини ўзи ривожлантириш механизмларига таяниш имконини беради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириш касбий таълимнинг ўзига хос педагогик ҳодисаси сифатида яхлитлигини асослайдиган методологик аҳамиятга эга аксиологик, онтологик ва технологик даражалари ва сифатларини ажратишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида касбий таълимнинг дуал тизими - мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ҳамкорликдаги алоқадор ривожланишини назарда тутади ҳамда у мазкур учта методологик асосларга таянган ҳолда қурилади: аксиологик (гуманистик ва техник жиҳатларнинг паритетлиги); онтологик (компетентли ёндашув); технологик (касбий фаолиятдаги ижтимоий - касбий муносабатларни ривожланишини ташкил қилиш).

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасасида муҳандис-педагогик касбий таълим дуал тизимини қуришнинг назарий-концептуал асослари”** деб номланган иккинчи бобида дуаллик методологик тоифа сифатида: умумилмий ва педагогик жиҳатлар, касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг назарий асослари ёритилган.

“Дуализм”, “дуал”, “дуаллик”, “дуалистик” атамалари (лотин тилидан dualis - иккиламчи) битта махсус умумметодологик тушунчани ифодалайди ва билимнинг турли соҳаларида етарлича кенг тарзда қўлланади.

Касбий таълимнинг дуал тизими ўз ичига касбий таълим, касбий ўқитиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ расмий тан олинган таълимнинг иккита мустақил соҳибларига тегишли ташкилий ва ҳуқуқий муносабатларини ўз

ичига олади. Мазкур тизим битта мақсад - таълим оловчиларни касбий тайёрлашни амалга оширувчи иккита таълим муассасаси ва ўқув ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади.

Касбий таълимнинг дуал тизими муайян ишчи касбларга ўқитиш фақат тўлиқ ўқув ҳафтали касб - ҳунар мактабларида амалга ошириладиган, сўнгра бевосита муассасанинг ишчи ўрнида давом эттириладиган ва тугалланадиган тизим билан солиштирилади. Ислохотлар ва туб ўзгаришлар даврида касб-ҳунар таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш орасидаги алоқадорлик қайсидир маънода йўқотилгани сабабли, ҳозирги кунда касбий таълим тизими ташкилий жиҳатдан умуман олганда ишчи кадрлар тайёрланадиган ишлаб чиқариш соҳасидан мустақил бўлиб қолган.

Касбий таълимнинг дуал тизимини таҳлил қилишнинг ўтказилган натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: Улар: дуал тизим иккита турлича ўқув ишлаб чиқариш муҳитлари, яъни касбий таълимнинг иккита норматив - ташкилий шаклининг ўзаро мувофиқлашуви ва келишилган ўзаро алоқадорлигини таъминлайди; дуал тизимнинг ҳар бир таркибий унсури ўзига хос таркибий тузилишига эга бўлган (уларнинг ҳеч бири бошқасининг тизими ҳисобланмайди) мустақил таълим тизими сифатида кўриб чиқилиши мумкин; улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик иерархик эмас, аксинча паритет хусусиятга эга, яъни улар ўзларининг амал қилишида тенг мазмунли ва тенгҳуқуқлидир; ўзаро келишилган ўзаро алоқадорликнинг ҳал қилувчи омили ягона таълим мақсади-таълим натижаси сифатида муайян ижтимоий-касбий тавсифга ва аниқ малакага эга бўлган мутахассисни тайёрлашдир; универсал сифатлар (асосий компетенциялар)ни шакллантиришга интилиш таълим усуллариининг мустақил аҳамиятини ошириб, таълим мазмуни каби муҳим педагогик воситаларга айланадилар (когнитив йўналтирилган таълимдан фарқли равишда мазмун ҳал қилувчи роль ўйнагани каби таълим усуллари ёрдамчи роль ўйнайди).

Тадқиқотда олий таълим муассасаларида касбий таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини қуришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда бир қанча талабларга асосланганлиги келтириб ўтилган. Улар:

– таълим мақсадларининг ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асосланиш;

– таълим фаолиятининг ижтимоий-фалсафий, илмий дунёқараш асосларига ташкилий ёндашув;

– касбий таълим методологик хусусиятининг дидактик асосларига таяниш.

Мазкур талабларга жавоб берувчи асосий, концептуал аҳамиятга эга ғояларга ойдинлик киритиш касбий таълимнинг махсус интегратив соҳаси сифатида касбий таълим ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказувчи “ички”, феноменологик ва методологик, шунингдек ижтимоий педагогик хусусиятга эга тамойиллар асосида амалга оширилган.

Олий таълим муассасаларида касбий таълимнинг дуал тизимини қуриш учун узлуксиз касбий таълим гуманистик тамойилларни ишлаб чиқариш соҳаси

ва жамият эҳтиёжлари билан оптимал тарзда мужассамлаштиришга имкон беради деган қоида концептуал аҳамиятга эга бўлади.

Дарҳақиқат, олий таълимнинг методологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда касбий таълимнинг дуал тизимини қуришнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи концептуал аҳамиятга эга учинчи ғоясини қуйидагича изоҳлаш мумкин: муҳандис-педагог кадрларни касбий тайёрлаш жараёнида таълим тизимини дуал қайта қуриш унинг тизимли яхлитлигини ифодалаган ҳолда касбий таълимнинг интегративлигини таъминлайди.

Хулоса қилиш мумкинки, мазкур ажратиб кўрсатилган концептуал аҳамиятга эга ғоялар касбий таълимнинг дуал тизимини яратишнинг қадриятли-мақсадли (аксиологик), мазмунли-ташкилий (онтологик) ва технологик асосларини методологик яхлитлигини таъминлагани боис, улар таълимни концептуал моделлаштиришнинг назарий-методологик асоси бўлиб, унинг натижаси сифатида касбий таълимнинг дуал тизими концептуал модели ишлаб чиқилди (1-расмда кўрсатилган).


Биз касбий таълим дуал тизимини ифода этишнинг учта даражасини ажратдик: методологик даража, фаолиятли-технологик даража ва шахсий натижалари даража.

1. Методологик даража – аниқроғи касбий таълим тизимини қуриш ва амал қилишининг асосида ўз аксини топган методологик тамойиллар ва уларга мос методологик қуроллар: ҳар қандай таълим тизимини шаклланиш хусусиятларини акс эттирувчи, уларнинг таркибий ва функционал яхлитлиги, уларни ташкил қилувчи компонентлар орасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликни таъминловчи умумметодологик тамойиллар ва воситалар; ўзига хос таълим соҳаси сифатида касбий таълимни тизимли ташкил қилишнинг мазмун моҳиятини акс эттирувчи хусусий методологик тамойиллар; алоҳида турга эга таълим соҳаси сифатида касбий таълимни қуриш ва амалга ошириш тамойиллари.

2. Фаолиятли технологик даража - унда касбий таълим жараёнида муҳандислик фаолиятининг педагогик фаолиятга технологик асосда дуал ўзгариши амалга оширилиб, таълимнинг тизимли-процессуал жиҳатини акс эттиради. У иккиламчи таркибли қурилишга эга: таълим соҳасида у ўқитувчилар ва талабаларнинг шахсий-касбий компетентлигини узлуксиз тарзда ошириб бориш; ишлаб чиқариш соҳасида - мутахассисларнинг шахсий-касбий компетентлигини узлуксиз тарзда ривожлантириш.

Мазкур дуал тизимни ташкил қилувчи тизимда касбий тайёргарлик бўйича таълим жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари, ташкилий шакллари ва дидактик шарт-шароитлари турличадир.

3. Шахсий натижавий даражаси - таълимнинг субъектив натижавий жиҳатини акс эттирган бўлиб, иккала таркибий тизим учун умумий ва мутахассиснинг таълим жараёнида шаклланган шахсий касбий компетентлигини акс эттиради.



1-расм. Касбий таълимни дуал тизимини куришнинг концептуал модели

Олий таълим муассасасида касбий таълимнинг дуал тизимини куришнинг концептуал-назарий асосларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотимиз унга қуйидагича муаллифлик таърифини беришга имкон берди.

Касбий таълимнинг дуал тизими - бу касбий таълимни ташкил қилишнинг инновацион тури бўлиб, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ҳамкорликдаги алоқадор ривожланишини назарда тутди ҳамда у мазкур учта методологик асосларга таянган ҳолда курилади: аксиологик (гуманистик ва техник жиҳатларнинг паритетлиги), онтологик (компетентли ёндашув), технологик (касбий фаолиятдаги ижтимоий-касбий муносабатларни ривожланишини ташкил қилиш).

Диссертациянинг “**Дуал тизими асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни амалга ошириш методикаси**” деб номланган учинчи бобида бўлажак касб таълими мутахассисларини тайёрлашда узлуксиз

1-жадвал**Таълимга анъанавий ва дуал таълим тизимига хос ёндашувларнинг қиёсий тавсифи**

№	Таълим жараёни элементлари	Анъанавий таълим тизими	Дуал таълим тизими
1	Мақсадлар	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган	Дуал таълими бўйича компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган
2	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)	Давлат таълим стандартини амалга оширади	Касбий – таълимий, амалий ва ишлаб чиқариш дастурларни ўзлаштиришга қаратилган ҳамкорлик йўналиши
3	Таълимни ташкил этиш шакллари	Ўқув соатлари хажмининг аудиторияда 60%, аудиториядан ташқари 40% миқдорда ташкил этилиши	Ишлаб чиқариш ва амалиёт жараёнида муаммоли дарсларни (5+1) асосида ташкил этиш, жуфтликда, кичик гуруҳларда
4	Педагогик жараёни ташкил этиш ва амалга ошириш методлари	Ўқитишнинг синф-дарс тизими доирасидаги анъанавий методлар	Ҳамкорлик, ишлаб чиқариш, дуал таълим тизими бўйича компетентли ёндашувига йўналтирилган ноанъанавий методлар
5	Педагогларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Насихатгўй”, “ахборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Ҳамкор”, “рахбар”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи”
6	Таълим олувчиларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратувчи”
7	Таълим муассасасини бошқариш тузилмаси	Тузилма таълим муассасаси фаолиятини юритишга йўналтирилган	Тузилма таълим муассасасини инновацион ҳамкорликда ривожлантиришга йўналтирилган
8	Таълимни ривожлантириш технологияларини қўллаш	Таълим технологиялари билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади	Амалий фаолиятда лаёқатлилилик ва бир вазиятдан бошқа вазиятга ўтишда ижодий ёндаша олиш, ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш компетентлиги ривожланади
9	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини текширишга йўналтирилган	Касб таълими мутахассислар ва ишлаб чиқариш ходимларининг касбий ва шахсий сифатлари ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган

таълимнинг дидактик асослари, дуал тизимида мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси, таълимга анъанавий ва дуал таълим тизимида хос ёндашувларнинг қиёсий тавсифи, дуал тизим асосида касб таълими мутахассисларини тайёрлашнинг методик таъминотини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Олий таълим муассасаларида касбий таълимнинг дуал тизими дидактик шарт-шароитларни аниқлашда концептуал моделни амалий жиҳатдан ишлаб чиқишни талаб қилади, бу эса олий таълимда муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашнинг дуал тизимининг концептуал-назарий асосларини қуришни ҳамда таълим жараёнининг тизимли-компонент хусусиятларини ва ўзаро боғлиқлигини ва алоқадорлигини акс эттиради.


Замонавий тизимли-педагогик ғояларга кўра, таълим жараёни тизимли равишда бир-бирига боғлиқ бўлган ва қуйидаги таркибий қисмлар билан ўзаро таъсир ўтказиш мақсадга мувофиқ: фаолият мақсадлари, ўқитувчи, талаба, фаолият мазмуни, фаолият шакллари, фаолият воситалари ва усуллари, фаолият натижасидир. Таълим жараёнида ижтимоий-профессиял муносабатларни технологик ташкил этиш (ўқув гуруҳида, ишлаб чиқариш амалиётида ва ҳоказо). Касбий таълимнинг дуал тизими олий таълим муассасасида концептуал - назарий ва дидактик асосларга мувофиқ касбий тайёргарлигининг таркиби ва мазмунини ишлаб чиқишни амалий ташкил этиш билан боғлиқ.

Юқорида дуал таълим тизимида касбий таълимнинг касбий фаолияти кўрсатилган (1-жадвалда келтирилган).

Юқорида билдирилган фикрлар, бизгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасида анъанавий ва дуал таълим тизимида хос ёндашувларнинг қиёсий тавсифи келтириб ўтилди. Таълим соҳасида мутахассиснинг муҳандислик фаолияти давомида орттирилган касбий тажрибаси, илмий-педагогик ва педагогик тажрибаси педагогик фаолиятга айланади.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида “Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) бакалавриат таълим йўналиши талабалари ва ишлаб чиқариш ходимларига жараёнларни автоматлаштириш ва визуаллаштиришга йўналтирилган Visual C++ дастурлаш тили имкониятларидан фойдаланиб дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Дастурлаш тилларининг имкониятлари атрофлича тушунтириб ўтилди. Талабаларнинг аксарияти Visual C++ дастурлаш тилида дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашди. Бунга сабаб ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, алгоритмлаш, визуаллаштириш, формаллаштиришда юқори имкониятларга эгаллигидир. Бунда “Жаҳон таълим тизими” ўқув қўлланмасининг дастурий маҳсулотидан фойдаланилган.

Қайд этиш жоизки, технологик жараёнларни моделлаштириш, автоматлаштириш ва визуаллаштириш жараёни унинг таркибий-функционал тавсифлари контекстида кўриб чиқилиши лозим. Қуйидаги ўзаро алоқадор: мақсадли, мазмуний-жараёнли ва таҳлилий-натижавий компонентлар тўғри ишласагина биз таклиф этаётган дуал таълим тизимида касб таълими



2-расм. Дуал тизимида касбий тайёргарликни такомиллаштириш модели.

мутахассисларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш моделида кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади (2-расм).

Дуал таълим тизимида касб таълими мутахассисларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш модели - бу касбий фаолият соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи таълим ва ишлаб чиқаришда касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, касбий тайергарлик босқичлари, касбий таёргарликнинг сифат кўрсаткичлари, касбий фаолиятга тайёргарликнинг баҳолаш мезонлари, касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари ва натижаларни акс эттирувчи моделдир. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган касбий фаолиятга тайёргарлик мазмуни бевосита мақсад, ташкилий мазмунли жараён ва натижавийлик компонентлари асосларига қурилган бўлиб, таълим соҳаси ва ишлаб чиқариш соҳа доирасида амалга оширилиб келинади. Бунда: Ижтимоий эҳтиёж, мақсад, касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, касбий тайёргарликнинг баҳолаш мезонлари, касбий тайёргарлик даражалари, касбий тайёргарликнинг баҳолаш мезонлари, касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари ва натижалари ўз аксини топган.

Тавсия этилаётган моделни амалга ошириш мақсадида дуал тизимида олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни ва ишлаб чиқаришда ходимларни касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган модел ва ишлаб чиқилган методика олий таълим муассасаларида талабаларни ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларни дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Дуал таълим тизимида касбий фаолиятга тайёрлаш асосан икки босқичда амалга оширилади:

1. Олий таълим муассасасида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш - модулли ўқитиш технологиялари; “Self-development”, “Natural-reflexive”, “Vitagen” таълим технологиялари; ”Visual C++” каби дастурлаш технологиялари орқали амалга оширилади.

2. ОТМдан кейинги касбий фаолият ишлаб чиқаришда ходимларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш - бунда, технологик жараёнларни автоматлаштириш, визуаллаштириш, моделлаштириш ҳамда ўз касбий малакаларни мунтазам такомиллаштириш масалалари амалиёт даврлар кесимида ўтказилиб келинди.

Диссертация ишининг “Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган тўртинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 ўқув йилларида Республикаимизнинг тўртта олий таълим муассасаларида: Тошкент ирригация ва

қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида “Касб таълими” (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)” бакалаврият таълим йўналишида олиб борилди. Тажриба-синов ишида 312 нафар талабалар, коллеж ўқитувчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар қатнашди. Ушбу таълим йўналишининг малака талабларига асосан талабаларни дуал таълим тизими асосида ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш, шу билан бирга, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ўқитишнинг концептуал, дидактик моделлари самарадорлигини синовдан ўтказиш, тажриба давомида дуал таълим тизимининг афзаллик томонларини статистик методлар ёрдамида текширувдан ўтказишдир.

Олиб борилган тадқиқот натижалари самарадорликни аниқлашда:

- олий таълим муассасаларида “Касб таълими” йўналишларида таълим беришнинг дуал тизимини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини (концептуал модели) ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасаларида “Касб таълими” йўналишларида таълим беришнинг дуал тизими методик моделини ишлаб чиқиш;

- “Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш” махсус курси бўйича касбий фаолиятга тайёрлашда мутахассисларнинг касбий компетентлигини янада ошириш мезонларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини иккита эксперт гуруҳи томонидан назоратга олинди.

Эксперт гуруҳи томонидан ўқитувчини тажриба-синов олиб боришида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди: ўқитувчининг тажриба-синов ишини олиб боришга тайёргарлик даражаси; ўқитувчининг талабаларга муносабати; “Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш” махсус курсининг самарадорлиги (шакллар, усуллар, ўқув жараёнини ташкил этиш). Тажриба-синов ишида олиб борилган тадқиқот усуллари қуйидагилардан иборат:

- эмпирик даражадаги усуллар (кузатиш, ўлчаш, тажриба, сўровнома ўтказиш, интервью, ўз-ўзини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш);
- назарий даражадаги усуллар (таҳлил қилиш ва синтез қилиш, таққослаш, умумлаштириш, индукциялаш ва чегирмалаш).

Тажриба-синов ишларида ўзгаришлар динамикасини энг аниқ ифодаловчи усул диагностика усули бўлиб, ўзида учта даражани акс эттиради (2-жадвал).

Бўлажак касб таълими мутахассисларини касбий фаолият турларига тайёргарлигини такомиллаштиришда дуал таълим тизимининг методик моделини жорий этиш натижаларини миқдорий баҳолаш учун сўровнома ўтказиш услубидан фойдаланилди. Дуал таълими ривожланишининг дидактик

моделни самарадорлигини баҳолаш учун олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлигини билиш мақсадида қуйидаги қобилиятларига алоҳида эътибор қаратилди. Улар:

2-жадвал

**Тажриба-синов ишларида ўзгаришлар динамикасини
акс эттириш жадвали**

Ўзгаришлар динамикаси кўрсаткичлари	Мезонлар
Аксиологик	- Интеллектуал (ўз-ўзини баҳолаш); - Ижодий салоҳият (ўз-ўзини баҳолаш)
Онтологик	- Касбий маданият (тажриба гуруҳини баҳолаш)
Технологик	- Коммуникатив-лидерлик қобилияти; - Рақобатбардошлилик; - Ўзи-ўзини ривожлантириш қобилияти

1. **Натижавийлик:** билимлилик, коммуникативлик қобилияти; олинган билим ва кўникмаларни касбий фаолиятда самарали қўллаш қобилияти; бошқарувчанлик қобилияти.

2. **Меъёрийлик:** касбий фаолиятни тартибга солувчи қоидалар, йўриқномалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш қобилияти; меъёрий ҳужжатларни талабаларнинг касбий фаолиятининг хусусиятлари билан боғлаш қобилияти.

3. **Ижтимоийлик:** талабаларни касбий фаолиятига доир энг сўнги маълумотлардан хабардор бўлиш; касбий таълимнинг дуал тизимини ривожлантиришга тизимли-лойиҳавий ёндашиш қобилияти.

Тажриба-синов давомида олиб борилган тадқиқот натижаларини умумий ҳолда муҳокама қиламиз.

Тажриба-синов ишлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (104 нафар талаба), Жиззах политехника институти (72 нафар талаба), Тошкент Давлат аграр университетининг Андижон филиали (76 нафар талаба) ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт университетларида (60 нафар талаба) “Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) бакалавриат таълим йўналиши 3 ва 4 босқич талабаларига дуал таълим асосида таълим жараёнида ва ишлаб чиқариш корхоналарида табиий шароитларда олиб борилди. Касб таълими соҳа йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари” ва “Қўшимча ихтисослик фанлари” сифатида 3, 4 ва 5- блок фанлари ўқитиб келинган.

Энг аввало тажриба-синовни амалга ошириш ҳамда талабаларни ўқитишда учта умумий даражани: аксиологик, онтологик, технологик жиҳатларни ўзида акс эттирувчи олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш

корхоналарида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини қуриш тавсияномаси ишлаб чиқилди.

Талабаларни ўқитиш бўйича тажриба-синов тадқиқотлар натижаларини умумий ҳолдаги таҳлилин келтириб ўтаемиз:

Тажриба-синовдан олдин ва кейин талабалар орасида интеллектуал салоҳиятининг ўзгариш ҳолатларини келтириб ўтаемиз. Улар: тажриба-синов бошида олиб борилган педагогик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳар учинчи талаба паст даражага (29,8%), талабаларнинг ярмидан кўпи эса ўртача даражага (61,3%) ва фақат 8,9% талабалар интеллектуал салоҳиятли, яъни уларда касбий фаолиятга тайёргарлигининг юқори даражасига тўғри келди. Тажриба-синов охирида педагогик тадқиқот натижалари қуйидагича бўлди: паст даражада (29,8% - 12,9%), яъни икки мартадан ортиққа камайди, ўртача даража эса (61,3% - 55,5%) 5%га камайди. Шу билан бирга, талабаларда интеллектуал салоҳиятнинг ривожланганлик даражаси 3 мартадан кўпроқ ошди. Тажриба-синов давомида талабаларнинг касбий маданият даражаси 5 баллик тизимда баҳоланди. Талабаларда касбий маданиятни ривожланганлик даражаси тажриба бошида ўртача 2.46 балл эди.

Тажриба-синов охирида ўртача ҳисобда сезиларли ўсиш кузатилди, яъни талабаларда касбий маданиятнинг ривожланганлик даражаси – 4,43 балл. Тажриба-синов натижаларида тажрибадан олдин, ҳар бешинчи талаба коммуникатив-бошқарувчанлик қобилиятини паст даражасини кўрсатди. Юқори даража фақат 15,7% талабаларда кузатилди. Талабаларнинг асосий қисмида, яъни 61,9% коммуникатив-бошқарувчанлик қобилиятга эга эканлиги намоён бўлди, яъни 2 барабар паст. Юқори даража эса 2 мартадан ортиқ бўлди; талабаларда рақобатбардошлик даражаси кўрсаткичи тажриба бошида қуйидаги тарзда намоён бўлди: ҳар иккинчи талаба ўрта даражага, талабаларнинг учдан бирдан ортиғи паст даражага, юқори даража эса жами 3,2%ни ташкил этди. Тажриба-синов охирида паст даража деярли 2 марта камайди (39,9% – 21,8%), ўртача даражада кам ўзгариш юз берди (56,9%-61,7%). Юқори даража эса 5 марта ошди.

3-жадвал


Касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси, % (умумий ҳолда)

Касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳ	
	162 нафар талаба		150 нафар талаба	
	Тажриба бошида (161 нафар талаба)	Тажриба охирида (162 нафар талаба)	Тажриба бошида (152 нафар талаба)	Тажриба охирида (150 нафар талаба)
Паст	56,5% (91)	37% (60)	56,5% (86)	52% (78)
Ўрта	32,3% (52)	40,7% (66)	33% (50)	36% (54)
Юқори	11,2% (18)	22,3% (36)	10,5% (16)	12% (18)

Педагогик тажриба-синов ишида жами 312 нафар талабалар қатнашиб,

уларнинг 162 нафари тажриба гуруҳи ва 150 нафари назорат гуруҳи сифатида танлаб олинди. Юқоридаги олиб борилган тажриба-синов ишларининг умумий ҳолатини 3-жадвалда келтириб ўтамыз.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, тажриба-синовдан олдин тажриба гуруҳида талабаларнинг 56,5%и учун касбий фаолиятга тайёрликнинг паст даражаси шаклланган, тажрибадан кейин эса 37%. Ўрта даража, тажрибадан олдин 32,3% эди, ундан кейин у 40,7%ни кўрсатди. Тажрибадан олдин 11,2%ни, тажриба-синовдан кейин эса 22,3%ни кўрсатди. Тажриба-синовдан кейин тажриба гуруҳи кўрсаткичининг муҳим динамикаси техника олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлик даражасининг ўсишини акс эттиради. Қуйида биз олинган натижаларга таянган ҳолда талабаларни мустақил ишларини ахборот-таълим муҳитида ташкиллаштириш асосида касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси диаграммасини келтириб ўтамыз (3-расм):



3-расм. Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларини Дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг умумий диаграммаси

Жадвал ва гистограммадан кўриниб турибдики, техника олий таълим муассасалари касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш даражасининг ўсиши бевосита ривожлантириш шакллари, методлари, технологиялари ва воситаларидан унумли фойдаланилган тажриба гуруҳи мутахассисларида касбий фаолиятга тайёргарлик даражасининг кўрсаткичлари ҳар уч босқич натижалари ва Стъудент методикаси бўйича назорат гуруҳларининг кўрсаткичларидан юқори

эканлиги аниқланди.

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади. 90 % ишончлилиқ билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан, жорий қилинган таълим самарали эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

ХУЛОСАЛАР

1. Олий таълим муассасалари касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган жараённинг интеллектуал, амалий, ишлаб чиқариш, ташкилотчилик ва коммуникатив функцияларини такомиллаштиришни таъминловчи мавжуд тизим ва касб таълими мутахассислари ва ишлаб чиқариш ходимларининг дуал таълим таълими тизимида касбий ва шахсий сифатларининг ривожлантириш имкониятлари асосланди.

2. Олий таълимнинг методологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда касбий таълимнинг дуал тизимини қуришнинг таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари мақсадига мувофиқлигини таъминловчи, концептуал аҳамиятга эга бўлган касб таълими бўйича бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш жараёнида таълим тизимини дуал қайта қуриш, унинг тизимли яхлитлигини ифодалаган ҳолда касбий таълимнинг интегративлиги, концептуал аҳамиятга эга ғоялар, касбий таълимнинг дуал тизимини яратишнинг қадриятли-мақсадли (аксиологик), мазмунли-ташкилий (онтологик) ва технологик асосларини методологик яхлитлигини таъминлаган касбий таълимнинг дуал тизими концептуал модели ишлаб чиқилди.

3. Касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизимида касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборий-дидактик таъминоти таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантиришдаги методологик ёндашувлар ўзгаришлар динамикаси аксиологик, онтологик, технологик даражалари асосида интеллектуал, ижодий салоҳият, касбий маданият, коммуникатив-лидерлик, рақобатбардошлилик ва ўз-ўзини ривожлантириш мезонлари асосида қиёсий таҳлили очиб берилди.

4. Методологик ёндашувлар ва компетентликка хос тушунчалар касбий таълимнинг ўзига хос тармоғи бўлган муҳандислик-педагогик таълимни мақсадли равишда ривожлантириш ва мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш, уларни қўллаш ўзини-ўзи ташкил қилиш ва ўзини-ўзи бошқариш асосида таълимнинг тизимлилиги, яхлитлигини таъминлаш, таълим тизимларининг барча босқичлари (бутун таълим соҳаси, унинг ҳудудий таркибий тузилмаси, муайян ўқув юрти, ўқув гуруҳи) каби шахсий босқич (таълим олувчи, педагог)да ўзини-ўзи ташкил қилиш ва ўзини-ўзи ривожлантириш механизмларига таяниш имконини бера оладиган паритетлик ҳамда вариативлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилди.

5. Касбий фаолият соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи таълим ва ишлаб чиқаришда касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, касбий тайёргарлик босқичлари, касбий тайёргарликнинг сифат кўрсаткичлари, касбий фаолиятга тайёргарликнинг баҳолаш мезонлари, касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари ва натижаларни методологик ёндашувлар (мотивацион, когнитив, рефлексив) асосида дуал тизимида касбий тайёргарликни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

6. Таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида касб таълими мутахассислари ва ишлаб чиқариш ходимларининг дуал таълим тизимида фаолиятларининг яратувчанлик, бошқарувчанлик, тадқиқотчилик, конструкторлик, педагогик каби билим, малака, кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришда маъруза ва семинар машғулотларида “Self-development”, тўғарак ва мустақил таълим машғулотларида “Natural-reflexive” ишлаб чиқаришда ва тадқиқотчиликда “Vitagen” технологиялари мутахассисларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикаси такомиллаштирилди.

7. Таълим жараёнида қўлланиладиган барча технологик воситалар муҳандис-педагог касб таълими мутахассисларини тайёрлаш дуал таълим тизими доирасида энг истиқболли инновацион тенденциялар асосида олий таълим муассасасида “Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) бакалавриат таълим йўналиши талабаларига Visual C++ дастурлаш тили имкониятларидан фойдаланиш мақсадида Жаҳон таълими тизими фанидан “Жаҳон таълим тизими” ўқув қўлланмасининг дастурий маҳсулоти электрон дарслик ишлаб чиқилди.

8. Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурий-муҳандислик (Visual C++ да дастурлаш) ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни автоматлаштириш, визуаллаштиришда (Visualization and avtomatization) лойиҳавий-конструкторлик, тадқиқотчилик касбий компетенцияларини шакллантириш технократик ёндашувларга асосланган холда алгоритмик кетма-кетликда бажарилиш методикаси асосида такомиллаштирилди.

9. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш, касб таълимида замонавий педагогик феномен, унинг методологик хусусиятлари, шунингдек мавжуд муаммоларни ва ривожланиш тенденцияларини ҳамда дуал таълим тизимининг моҳиятини методологик категория сифатида ўрганиш мақсадида “Касб таълими мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш” махсус курс дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

10. Дуал таълим тизимида касб таълими мутахассислари ва ишлаб чиқариш ходимларининг касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари таҳлил қилинди. Дуал таълими тизимида таълим муассасалари бўлажак касб таълими ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш ходимларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларидан аудитория ва аудиториядан ташқари

амалиёт жараёнларда қўллаш анъанавий ёндашувга нисбатан самарали эканлиги аниқланди. Олинган натижалар тажриба-синов ишларининг самарали бўлганлигини тасдиқлайди ва тажриба-синов ишларининг тўғри қўйилганлиги, шунингдек, тадқиқотнинг тўғри амалга оширилганлигидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ
И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ЧОРИЕВ РУЗИМУРАТ КУНГРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПОДГОТОВКИ К
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СПЕЦИАЛИСТОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ДУАЛЬНОЙ
СИСТЕМЫ**

(На примере направления «Профессиональное образование» в технических
высших образовательных учреждениях)

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук (DSc)

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.DSc/Ped166

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.vocedu.uz) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)).

Научный консультант:

Исмаилова Зухра Карабаевна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Муслимов Нарзулла Алиханович
доктор педагогических наук, профессор

Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Абдухалим Хамидович
доктор педагогических наук

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «5» 12 2020 года в 10.00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № 29). (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37).

Автореферат диссертации разослан «21» 11 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 22 от 21.11 2020 года).



Ш.Э. Курбонов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.п.н.,
профессор

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.п.н.,
профессор

К.Т. Олимов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Развитие человеческой цивилизации в мире характеризуется сложными и противоречивыми процессами и тенденциями. Достижения в области науки, техники и инженерии служат для радикального улучшения качества жизни людей, в то же время создавая социальные, экономические, культурные, материальные и другие условия для их жизнедеятельности, удовлетворяя при этом личные потребности и интересы. Мобильная связь, персональные компьютеры, персональная техника и всевозможное служебное оборудование, современная информационная коммуникация основаны на научно-техническом прогрессе человечества, сегодня в пространстве технических изменений искусственная среда обитания становится более эффективной, чем естественная среда.

“Megatendence” в контексте научных подходов к формированию глобальной образовательной среды в Европе показывает, что важно обеспечить преемственность и практическую направленность образования, самостоятельное обучение, творческое развитие, интеграцию теории и практики в активном развитии профессионального образования.

Согласно международному опыту, углубление неразрывной взаимосвязи общеобразовательных и специальных дисциплин с производственными структурами положительно сказывается на эффективности обучения. Интеграционные процессы, такие как дальнейшее расширение интегративной организационной функции образования, модернизация форм и методов обучения, формирование важных личностных и профессиональных качеств, также играют важную роль в дальнейшем развитии направления теории и практики профессионального образования. Это требует проверки результатов профессиональной подготовки на базе дуальной системы образования педагогическими диагностическими методами с учетом принципов солидарности и взаимодействия специалистов профессионального образования и работников производственных предприятий и разработки соответствующих методических рекомендаций по выявленным проблемам, а также информационно-дидактических возможностей интеграции образования.

В нашей стране проводятся системные реформы по формированию содержания образования на основе дуальной системы интеграции науки и производства. При обеспечении реализации приоритетов Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, таких как «разработка механизмов оценки качества образования, повышение доступности и эффективности образовательных услуг»¹ и «масштабная подготовка и переподготовка по необходимым специальностям»² важную роль играет формирование у учащихся целостных и систематических интегративных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» // Сборник законодательства Республики Узбекистан. - №6 (766) – статья 70. – Т.: Адолат, 2017. - Б. 38.

² Обращение Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 22 декабря 2017 г. <http://uz24.uz>

знаний, профессиональных навыков и компетенций, и диагностическая оценка результатов обучения. В связи с этим профессиональное образование требует изучения состояния профессиональной подготовки специалистов и производственного персонала, исследования их профессиональных компетенций по специальностям и направлениям производства, разработки и внедрения на практике инновационных методов педагогической диагностики.

Данная исследовательская работа в некоторой степени служит для реализации задач, поставленных в нормативных актах, связанных с этой деятельностью, установленных в новой редакции Закона Республики Узбекистан от 24 сентября 2020 года «Об образовании», Указе Президента Республики Узбекистан от 6 сентября 2019 года №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», в целях организации дуальной системы обучения в профессиональном образовании постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан согласно постановлению от 10 июня 2019 года №ПП-4356, Указе от 8 октября 2019 года №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Указе от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениях от 28 мая 2012 года №ПП-1761 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки и укомплектования квалифицированными педагогическими кадрами средне-специальных, профессиональных образовательных учреждений», от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 27 июля 2017 года №ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», а также других соответствующих нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование реализована в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Изучение духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальных идей, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также преемственности и непрерывности образования гармонично развитого поколения».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации. Исследования по совершенствованию методики подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности в системе дуального образования ведутся в ведущих мировых исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях, в частности, Massachusetts University (США), Belfield Pedagogical University (Германия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Seoul Cyber University (Южная Корея), Центр педагогических технологий (Россия), Республиканский сельскохозяйственный научно-производственный центр (Узбекистан).

В результате проведенных исследований по проблеме применения дидактических средств обучения студентов в процессе профессиональной подготовки в высших учебных заведениях был получен ряд следующих научных результатов, в том числе разработка интегрированной технологии развития творческих способностей студентов на основе традиционных и современных дидактических средств обучения (Chicago university, Америка); разработана методика целенаправленного воздействия на профессиональное формирование обучающихся с помощью визуальных и звуковых средств восприятия (Institute named after Frick Bauer, Германия); создана система интеллектуального и психоэмоционального развития будущих педагогов на основе современных технологий обучения (система обучения, специализированное обучение, модульное обучение, бригадно-индивидуальное обучение, взаимное обучение или взаимные консультации) (National Advice on pedagogical technology, Англия); разработан механизм создания и внедрения электронных обучающих ресурсов на базе мобильных электронных устройств (Seoul Cyber University, Южная Корея); разработаны новые образовательные технологии для развития у будущих педагогов навыков и компетенций проектирования (Центр педагогических технологий, Россия); усовершенствованы теоретико-методические и организационно-педагогические основы создания информационной образовательной среды дистанционного обучения педагогов профессионального образования на основе усиления учебно-методического и информационного обеспечения (Институт повышения квалификации и переподготовки кадров системы среднего специального и профессионального образования, Узбекистан).

В Англии, США и других развитых странах проводится большая работа по модернизации системы профессионального обучения. Используемые в них современные технологии обучения (репетиторская система обучения, специализация обучения, бригадно-индивидуальное обучение, взаимное обучение или взаимные консультации) обеспечивают интеллектуальное и психоэмоциональное развитие специалистов профессионального образования, творческий рост во всех аспектах индивидуального развития. Из возможностей «открытого образования» большое внимание уделяется формированию творческой личности, умения «работать в команде», активной в духовном и глобальном аспектах. Во многих европейских странах программы профессионального образования индивидуализируются, и на основе этого готовятся специалисты (Англия, Германия, Франция).

На сегодняшний день в мире проводится ряд приоритетных исследований по созданию и применению современных дидактических инструментов обучения, исходя из потребностей образования, в том числе по следующим направлениям: разработка новых теоретических концепций на основе концептуального проектирования создания и применения современных дидактических средств обучения; совершенствование содержания блоков структуры дидактических средств обучения; совершенствование теории и технологии создания компьютерных учебных

пособий на основе новых научно-педагогических подходов; разработка методик оценки влияния современных учебных пособий на качество учебного процесса; формирование профессиональной компетентности будущих учителей профессионального образования на основе современных дидактических средств обучения; создание программного обеспечения и методическое использование современных дидактических средств обучения.

Степень изученности проблемы. Законы и тенденции междисциплинарного общения, формирования и развития интеграции в процессе профессионального образования, проблемы подготовки специалистов профессионального образования к профессиональной деятельности по дуальной системе, теоретические, концептуальные и технологические основы контроля профессиональной деятельности производственного персонала исследованы в определенной степени в работах Р.Х.Джураева, А.Р.Ходжабаева, У.И.Иноятова, Н.А.Муслимова, Қ.Т.Олимова, Э.О.Турдикулова, М.Б.Уразовой, Ж.А.Хамидова, М.Тошова, О.А.Абдукуддусова, М.Жуманиёзовой, Р.А.Мавлоновой и др.³

Исследования по теоретико-методологическим, концептуальным и технологическим основам совершенствования профессиональной подготовки специалистов профессионального образования на основе дуальной системы образования проведены учеными стран СНГ Е.А.Михалычевым, О.А.Абдулиной, С.Я.Батышевым, В.С.Безруковой, А.П.Беляевой, М.Н.Беруловой, Э.Ф.Зеер, Ю.М.Измайловой, П.Ф.Кубрушко, В.П.Косыревым, Н.В.Кузьмина, В.С.Ледневым, О.Д.Листуновым, В.А.Сластенином, В.Т.Сопегиной, Н.К.Чапаевым и др.⁴

